Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
20 МАЙ 1967 й.
ШАНБА
№ 116 (270).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

УКРАИНА ГУЛДАСТАСИ

Марказий универсал магазини ёнида Украина микрорайонининг бунёдкорлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Микрорайоннинг ўртасига жойлашган ҳашаматли бинони Ленин орденли «Главкиевстрой»га қарашли 2-қурилиш-монтаж поезди азамат бинокорлари бунёд этаётирлар.

Мазкур бинони яқин кунларда топшириш иштиёқи билан ишлаётган Михаил Швац бригадаси аъзолари: Николай Гайдомоченко бригадасининг пардозчилари, Нина Евтушенко бошлиқ гишт терувчилар, Александр Безнюк бошлиқ дурадгорлар айниқса ўрнак кўрсатиб меҳнат қилаётирлар.

Қўли гул бинокорлар июнь ойида тўрт қаватли 70 квартирали уйни тошкентликларга туҳфа қиладилар.

Киевликларнинг ён қўшниси Қора денгиз соҳилларидан келган бунёдкорларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди.

Ҳаким Муҳаммаджонов бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари, Василий Евзиков раҳбарлигидаги пардозчилар. Валентин Гиловойнинг бўёқчилари, Леонид Колбасов ва Николай Павленко бригадасининг дурадгорлари кунни тунга, тунни кунга улаб меҳнат қилмоқдалар. Одессалик қурувчилар 40 квартирали уйни қўлдан чиқарай деб қолдилар.

Луганск қурувчилари ҳам беш секция 40 квартирали турар-жой биносини жадал тикламоқдалар.

Владимир Андриенко раҳбар бўлган пардозловчилар сўнгги квартиралар пардозини ниҳоясига етказай деб қолдилар.

— Юбилей йилида, — дейди қурилиш-монтаж поезднинг бош инженери С. И. Сидоренко, — луганскликлар 265 квартирали 6 уйни ва 280 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширадилар. Тўққиз қаватли муҳташам бинонинг пойдеворига ҳам гишт қўйилди.

Украина гулдастаси Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйига муносиб совға бўлади.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНАДИ

КЕЧА ТОШКЕНТ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТ ВА КОММУНАЛ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИНИНГ IV КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Совет кишиларининг маиший турмуши тобора яхшиланиб бораяпти. Ҳозир республикамиз шаҳарларидаги турар-жой фонди 28 миллион квадрат метрга кенгайди. Бу кўрсаткич революциягача бўлган турар-жой майдонига нисбатан тўрт баравар ортиқдир.

Шаҳарларда пассажирлар ташиш транспортини кенгайтириш соҳасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди. Тошкентда янги трамвай изларн ётқизилди ва троллейбус линиялари қурилди. Меҳмонхоналар, ҳаммом ва кир ювиш корхоналари қуришга ҳам катта эътибор берилди.

Агар 1965 йилда аҳолига фақат 35—40 турда маиший хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир унинг турлари юзга етди.

Республикамиз маҳаллий саноати 1400 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 70 хилдан ортиқ товарлар хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ҳозир маҳаллий саноат коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида 700 дан ортиқ цех, участка ва бригадалар коммунистик меҳнат коллективи номини олишга муяссар бўлди.

Ўзбекистон даги коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг меҳнаткашлари Совет давлатининг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага кўшилиб, белорусслялик ҳамкасбларини соцналистик мусобақага чақирдилар. Тошкент шаҳрининг маиший-хизмат кўрсатиш ходимлари эса, киевлик касбдошлари билан мусобақалашмоқдалар.

Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш мақсадида ҳозир мавжуд ателъелар, устахоналар ўртасида мусобақалар бошланди.

1967—1968 йиллар мобайнида республика маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хўжалигини планлаштириш ва иктисодий рағбатлантиришни янги усулига ўтади. Шунинг билан бир вақтда корхоналарни беш кунлик иш ҳафтасига кўчириш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Ишчи ва хизматчиларга намунали меҳнат шароити яратиш мақсади учун ўтган йилнинг ўзидагина бир миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Ласло БОКРОШ,
РАССОМ

Менинг дастлабки таассуротларим жуда яхши. Сизнинг шаҳрингиз ғоят гўзал. Сизларнинг ҳақиқий дўстлик ғурури билан бизни қабул қилганларингиз мени ҳаяжонлантирди.

Ласло БОКРОШ.



Сизнинг асарларингиз «Катта «Альфельд» пастекислиги суратларда» деган виставкада қандай ўринни эгаллайди?

— «Венгриядаги катта «Альфельд» пастекислиги суратларда» виставкасида Венгриянинг ўтган замондаги ва ҳозирги рассом ларининг асарлари намойиш қилинади. Менимча, бу виставка тошкентликларни венгер расмлари нинг характери ва хусусиятлари билан таништириб қолмасдан, балки халқимизнинг ҳаёти, унинг меҳнати, венгер деҳқонларининг ўтмишлари ва ҳозирги ҳаёти билан ҳам таништиради. Бу виставкада менинг «Тиссанинг кўриниши» деган суратим ҳам кўйилган. Бу суратни 1966 йилда ишлаган эдим.

Сизнинг ижодингизда манзара асосий ўринни эгаллайдими?

— Йўқ, мен графика ва безак санъати билан ҳам кизиқаман ва санъатда қадимги халқ ижоди анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат киламан. Умуман айтганда, мен халқ ҳаётини кузатишга ва ундан ўрганишга интиламан.

Тошкентда сизга нималар ёқди?

— Албатта, тошкентликларнинг бизни ғоят кувноқлик билан кутиб олиши, бундан ташкари ўзбек халқи маданиятининг юксак даражада ривожланганлиги ва санъатининг ғоят жозибадорлиги менга ёқди. Менга рассом сифатида Тошкентнинг яшил либосга бурканганлиги хали самолётдан тушмай турибоқ, Тошкент осмонида эканлигимиздаёк ёкиб колган эди. Ўзбек миллий кийимларидаги ранг-баранглик ҳам мени хайратда колдирди.

АВИАТОРЛАР ЮМУШИ

Ез мавсуми бошланиши билан ҳаво трассаларида турли саёҳатларга йўл олаётган пассажирлар кўпайиб бормоқда.

Граждан ҳаво флоти Сергели аэропортида Ю. Ф. Толстов командирлик қилаётган бўлинма учувчилари пассажирларни манзилга етказишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Бўлинма май ойи топшириқларини ҳозирдаёқ муваффақиятли адо этди.

Улар бундан ташқари пахтакорларга кўмандош ҳам бўлмоқдалар. Ҳаво починлари беш ой мобайнида пландаги ташқари беш минг гектар дала майдонларига химиявий дориларни сепиб бўлдилар.

Сергели аэропорти атрофи яшил боғ-роғларга айланиб боряпти. Баҳорда ўтказилган 500 туп мевали дарахтлар, минглаб туп гуллар яшил либосга бурканмоқда. Аэропорт территориясини ободонлаштириш ишларида 300 дан ортиқ киши қатнашди.

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Машҳур рус физиологи академик И. П. Павлов «Диний эътиқод заиф кишиларгагина керак, дин соғлом кишилар учун даркор эмас» деган эди.

Ҳақиқатан ҳам дин янгиликлар душмани, хотин-қизлар озодлиги йўлида тўғаноқ бўлган кора куч. Тошкент Давлат медицина институти стоматология факультетининг 2-курс студенти Ҳамрохон Эрмуҳамедова бу гапларни атеистлар тўгарагининг навбатдаги машғулотида «Ислом дини ва хотин-қизлар» деган темада қилган докладида айтди. Докладдан кейин шу тема бўйича қизғин мунозара бошланди.

Ҳамрохон курсдошларининг барча саволларига жавоб берди.

Тошкент Давлат медицина институтида ташкил этилган «Илмий атеизм» тўгараги машғулотлари жуда ҳам қизиқарли ўтмоқда. Тўгаракда «Ислом динининг келиб чиқиши», «Исломнинг моҳияти», «50 йил ичида совет медицинаси» каби темаларда машғулотлар ўтказилди.

Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Тошкент трикотаж фирмасининг маҳсулотлари Ўзбекистондагина эмас, балки бошқа қардош республикаларнинг аҳолиси ўртасида ҳам шуҳрат қозонмоқда. Айниқса, синтетик ва сунъий толалардан тайёрланган эркакларнинг капрон кўйлаклари, нимчалар, жемперлар, юксак дид билан тикилган аёллар кўйлаги харидорларга манзур бўлмоқда. Яқиндан бошлаб соф шерстдан кийим-мечаклар ҳам тайёрлана бошланди. Фирманинг кўпгина цехлари Ватанимизда ва чет элларда ишланган янги машиналар билан жиҳозланди. Юбилей йилида фирма 12 миллионга яқин хилма-хил маҳсулотлар тайёрлайди. Шу кунларда зимага олинган юксак мажбуриятни бажариш учун социалистик мусобақа қизғинлашмоқда.

Суратда: мастер ёрдамчиси Шонарин Мансуров (чапда) тўр тўқувчи Валентина Бондарева билан устки кийим учун тайёрланган мато сифатини текширмоқда.

В. ЛЕЙЗЕРОВИЧ фотоси, (УзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ЎҚИШЛАРИ

«Билим» жамиятининг Чилонзор район ташкилоти ва Тошкент Чет тиллар педагогика институтидаги бошлангич ташкилоти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан юбилей ўкишлари ташкил қилдилар.

Юбилей ўқишларида тарих фанлари доктори Т. Д. Жўраев — Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги ва КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси тўғрисида, тарих фанлари кандидати Э. А. Қаҳрамонов — В. И. Ленин Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси деган мавзуда, иқтисод фанлари кандидати А. И. Икромов — Коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси, старший ўқитувчи И. Т. Гребцов — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг халқаро аҳамияти деган ва бошқа темаларда лекция ўқидилар.

ОЛИМЛАР САФАРИ

Бугун тошкентлик бир группа таниқли олимлар Сирдарё ва Самарканд сафарига йўл олдилар. Олимлар орасида фалсафа фанлари доктори М. Хайруллаев, юридик фанлари доктори М. Ҳакимов, фан кандидатларидан А. Валиев, Т. Аюбов ва бошқалар бор.

Улар бу икки областнинг шаҳар, кишлоқларида Улуғ Октябрь 50 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган кечаларда катнашадилар. Ўзбек олимлари бу маросимларда Ўзбекистонда фаннинг ривожланиши, коммунистик қурилишда интеллигенциянинг роли. Ленин ва Ўзбекистонда совет миллий интеллигенциясини шакллантириш топиши деган темаларда лекциялар ўкийдилар.

Бу сафарни республика «Билим» жамияти хамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган.

С. ПЎЛАТОВ.

ИТТИФОҚ КЎРГАЗМАСИГА

Тошкент радио клубининг ҳаваскорлари кейинги пайтларда бир қатор нодир аппаратлар яратишди. Бу янги аппаратлар Ватанимиз пойтахти Москвага жўнатилади. Аппаратлар у ерда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Бутуниттифоқ кўргазмасида намойиш қилинади.

Юборилган экспонатлар орасида инженер Г. А. Бузлов, В. Виталев, В. Т. Колесников, Б. И. Алейниковларнинг ишлари диққатга сазовордир. Улар яратган аппаратлар кичик габаритли радиостанция, стерефоник қучайтириш, турли частоталарда ишлайдиган кичик приёмник ва бошқалардан иборат.

Радиоклубда ҳозир 150 га яқин турли касб эгалари шуғулланишади.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Яқинда «Мевазор» маҳалла активларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда Катта Олмазор трассаси ва «Мевазор» маҳалла ўртасидан оқиб ўтадиган анҳор устига кўприк қуриш масаласи кўрилди.

Актив йиғилишидан кейин маҳалла аҳолиси бир ерга тўпланди. Ҳамма учун муҳим бўлган бу масала ўртага ташланди.

Маҳалла комитетининг раиси А. Саидов сўзга чиқиб, кўприк куриш масаласи анча йилдан бери кўтарилиб келаётганини айтди.

— 1966 йили қурилмоқда эди, аммо энлзила оқибатида колиб кетди. Шу боисдан биз маслахатлашиб шу кўприкни жамоатчилик асосида куришга карор килдик. Хўш, сизлар нима дейсизлар? — деб мурожаат қилди у маҳалла аҳлига. Йиғилганлар раис таклифини якдиллик билан маъқуллашди.

Эртасигаёк иш кизиб кетди. Маҳалланинг ҳар бир хонадони бу ҳашарда фаол иштирок этди. 6-8 кун ичида узунлиги 30 метрли ёғоч кўприк куриб бўлинди.

Шунингдек мазкур маҳаллада янги чойхона ҳам жамоатчилик асосида курилди.

Маҳаллани кўкламзорлаштириш ҳам намунали ишлар қилинди.

Улуғ Октябрнинг юнли 50 йиллик байрамигача маҳалла меҳнаткашлари ҳашар йўли билан медпункт қуришни ҳам планлаштириб кўйидилар.

Ф. ЗАЙНУТДИНОВ.

ПИОНЕРЛАР — ВАТАНГА

РЕПОРТАЖ

Бугун эрта тонгдан В. И. Ленин номли майдонга Тошкент шаҳри ва республика областларининг пионерлари тўпланишди. Пионер дружиналарининг «Ленин юлдузлари порлайверсин» шиори билан ўтган Бутуниттифоқ кўригининг якунига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг VII республика слёти бошланди.

— Тошкент шаҳри, республика областлари ва Қорақалпоғистон АССР кўшма отрядлари советларининг раислари рапорт бериш учун ҳозирланинг, — республика кўшма дружина советининг раиси Тошкентдаги 8-мактабнинг 7-синф ўкувчиси Саид Абдураҳимов буйрук беради.

Кўшма пионер отрядлари бирин-кетин рапорт берадилар. Ленинчилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб жуда кўп қизиқарли ва фойдали ишларни амалга оширдилар. Пионерлар юзлаб тонна металл парчалари ва макулатура тўпладилар, катталарга янги Тошкент қурилишида кўмаклашдилар, колхоз ва совхоз далаларида мўл пахта ҳосили етиштиришда ёрдам бердилар, чорвачилик фермаларн устидан оталиқ қилдилар. Кўплаб болалар ва узумзорлар барпо этдилар. Жанговар ва меҳнат шуҳрати билан боғлиқ бўлган жойларга походлар уюштирдилар. Мактабларда В. И. Ленин музейларини ташкил қилдилар...

Майдонда пионер гулхани аланганланади. Минглаб болалар жарангдор ва қувноқ овозлари билан пионер кўшиқларини, оталар ва боболарининг революцион кўшиқларини куйлайдилар.

Марш садолари остида пионер паради бошланади. Майдондан Октябрь, Ленин ва пойтахт бошқа районларининг пионерлари, Самарканд, Андижон, Сурхондарё областларининг пионерлари ўтмоқдалар. Пионер формасини кийиб олган отряд майдондан ўтади. Улардан сўнг Совет Иттифоқи ва жаҳондаги бошқа халқларнинг миллий кийимларини кийиб олган пионерлар колонналари ўтади. Чилонзор районидаги 184-мактаб пионерлари ўз колонналарини пионерларнинг дўстлик марши деб атадилар. 129-ва 164-мактабларнинг ўкувчилари бинокорларнинг коржомасини кийиб олганлар. Улар қурилишда ўзлари яқиндан кўмаклашган биноларнинг макетини майдонга олиб ўтадилар.

Колонналарнинг олдида уларнинг вожатийлари — комсомолар бормоқдалар. Улар орасида солдатлар ҳам бор. Ватанимизнинг бу ботир фарзандлари янги Тошкент қурилишларида фидокорона мехнат қилишлари билан бирга ўзларининг бўш вақтларида пионер ишларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Кўм-кўк осмонда ранг-баранг байроқлар ҳилпирайди. Пионерлар Ватанга, Коммунистик партияга, ўз вожатийлари — Ленин комсомолига шонли байрамга атаб тайёрлаган совғаларидан рапорт берадилар.

* * *

Суратда: пионер колоннаси В. И. Ленин номли майдондан ўтиб бормоқда.

Р. Альбеков фотоси.

"СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ" саҳифаларида

● Ўзбекистонда Венгрия маданияти декадаси зўр тантана билан ўтмоқда. Кеча Олмаликдаги В. И. Ленин номли Олтинтопган кўрғошин-руҳ комбинатининг кўп минг кишилик коллективи декада катнашчиларини хушнудлик билан кутиб олди.

● СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари IV Бутуниттифоқ съезди ўз ишини тамомлади.

● СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ В. Е. Семичастний бошқа ишга ўтганлиги сабабли уни СССР Министрлар Совети хузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети раиси вазифасидан озод килди. Юрий Владимирович Андропови СССР Министрлар Совети хузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси килиб тайинлади.

● Атоқли ёзувчи ва олим Садриддин Айний яшаб ижод этган Самарканд шаҳрининг Регистон кўчасидаги 94-уй ёдгорлик музейига айлантирилди. Кеча Айнийнинг ёдгорлик музейини тантанали равишда очиш маросими бўлиб ўтди.

● 19 май Самаркандда илгари кам тараккий килган мамлакатларнинг капитализм босқичини четлаб, социализмга ўтишнинг энг мухим проблемалари юзасидан чакирилган Бутуниттифок илмий конференцияси ўз ишини бошлади. Конференция ишида СССР Фанлар академияси нинг, иттифокдош республикалар Фанлар академиялари нинг, мамлакат илмий тадкикот институтлари, олий ўкув юртлари илмий ходимлари, партия ва совет ходимлари катнашмокдалар. Конференция ўз ишини давом эттирмокда.

Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши комиссияларининг мажлислари

ВАРШАВА. Бу ерда Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши валюта — молия масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг мажлиси бошланди. Мажлисда Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Польша, Руминия, СССР; Чехословакия делегациялари ва Югославия вакиллари, шунингдек кузатувчилар сифатида Корея Халқ Демократик Республикаси билан Куба вакиллари қатнашмоқдалар.

Бундан ташқари, Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши валюта—молия бўлими секретариатининг ҳамда иқтисодий ҳамкорлик халқаро банкининг вакиллари иштирок этмоқдалар.

* * *

Варшавадаги Электротехника институтида Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши радиотехника ва электроника саноати бўйича доимий комиссиясининг мажлиси бошланди. Мажлисда Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар, шунингдек Югославия делегациялари иштирок этмокда.

Мажлисларнинг қатнашчилари Польша электрон саноати ютуқлари билан танишадилар ва бир қанча корхоналар ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларини бориб кўрадилар.

Буюк Октябрга бағишланди

СОФИЯ. Болгария Халқ армияси бош сиёсий бошқармаси билан Георгий Раковский номли ҳарбий академия Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан икки кунлик назарий конференция уюштирдилар.

Академик С. Гановский «Улуғ Октябрь ва инсониятнинг ижтимоий тараққиёти» деган темада доклад қилди.

Конференцияда Улуғ Октябрнинг болгар армиясининг революцион лашиш процессига таъсири тўғрисида, Болгарияни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишида СССРнинг ёрдами тўғрисида ҳам докладлар тингланди.

Социализм мамлакатларида

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА БИРДАМЛИК

СОФИЯ. Болгария ватан фронтининг VI съезди ўз ишини тамомлади. Съезд миллий кенгашнинг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди ва ватан фронти Уставига киритиладиган баъзи ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлади.

Съезд делегатлари «Европада тинчлик ва хавфсизлик учун» ва «Вьетнамда империалистик агрессиянинг тўхталиши учун» деган баёнотларни қабул қилдилар. Биринчи ҳужжатда, жумладан, шундай дейилади:

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Карлови Варида ўтказилган конференцияси тинчлик программаси бўлиб, болгар халқининг манфаатлари ва орзу-умидларига тўла мос бўлиб тушади. Конференция қатнашчилари бўлган Европа Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг баёнотида ўз ифодасини топган конференция даъватларига қўшиламиз.

Съезд делегатлари иккинчи ҳужжатда халқларнинг Вьетнамдаги Америка агрессиясига қарши норозилик овозларига ўз овозларини қўшадилар ва Вьетнам халқининг адолатли курашини батамом қўллаб-қувватлайдилар.

Съезд ватан фронти миллий кенгашининг янги составини сайлади.

Монголиядаги Дархат пасттекисликларини ғоят сермайса ўтлоқдир. Қишда баъзан қор ёғиб ўтсада бу ерда йил бўйи мол бокиш мумкин.

Суратда: Дархат (Хубсугул аймоғи) ўтлоқларида.

А. Спиркин фотоси, (ТАСС).

ҚЎҚОН АРАВАДАН ЭЛЕКТР ТРАМВАЙГАЧА

Шаҳримиз кўчаларида аҳолига хизмат кўрсатаётган трамвай-троллейбусларнинг, машиналарнинг саноғига етолмайсан киши. Кенг равон кўчалар бўйлаб, қушдек учаётган транспортлар шаҳримиз аҳолисининг кўзлаган манзилига ўз вақтида етказиб қўяди. Ҳа, дарҳақиқат бугунги кундаги транспорт хизматини революциядан олдингисига ҳеч таққослаб бўлмайди. Революциядан олдин ҳамма қулайликлар муҳайё қилинган ҳозирги трамвайлар қаёқда эди, дейсиз. Унинг ўрнига кўплаб қўқон аравалардан фойдаланиларди.

Тўғри, тарихга бир назар ташласак, Тошкентда революциядан аввал конналар борлиғининг узоқи бўламиз. Бу аҳолининг бирдан-бир оғирини енгил қиладиган ҳақиқий маънодаги транспорт воситаси эди. Бироқ, бу конналар жуда ҳам оз эди.

Келинг, яхшиси Тошкентда дастлаб юра бошлаган трамвайлар тарихи ҳақида бир нима оғиз хиноя қилайлик.

Шаҳарда конна юра бошлаганда ёшу қари, эркагу аёл — хулласи ҳамма бу ҳодисани одатдан ташқари ажойиб бир янгилик деб қараганди. Конкага чиқиш уёқда турсин, ҳатто уни томоша қилиш учун ҳам кишилар қишлоқлардан эталаб келишарди.

Конка — икки ўқ устига натта тахта каравот ўрнатилган арава эди. Унинг олдиғ аравалардан фарқи шунда эдики, у ингичка темир издан юрарди. Уни икки, ёки тўрт от тортарди. Шунинг учун ҳам конка деб аталарди. Пассажирлар эса конкада чордана қуриб ёки оёқларини пастга осилтириб ўтиришарди.

Дастлаб конка Хадра (ҳозирги Комсомол майдони) — Вокзал ўртасида қатнарди. Кейинчилик ҳозирги Пушкин майдони билан Госпиталний ўртасида ҳам юраднган бўлди. Конкани тортувчи отлар тезчарчаб, нарсни билан бир ойда мутлақо қўшишга ярамай қоларди.

Бунинг устига конка анча секин юрарди.

1907 йил сентябрида Бельгия акционер жамияти билан Тошкентда трамвай юргазиш тўғрисида шартнома тузилди. Шу кундан конка ўрнига электр трамвай юргазиш тадбирлари кўрила бошланди.

Тошкент кўчасида электр қувват билан юрадиган трамвайнинг пайдо бўлиши ҳам жуда катта янгилик эди. Трамвай конкага қараганда анча устунликка эга эди. Сирли қувват билан ҳаракатга келиб 50—60 одамни бемалол манзилга етказадиган бу тезюрар трамвай кўпчиликни қувонтирди.

Тошкент трамвайининг тарихи Ўзбекистон халқларининг революцион тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. 1917 йилларда трамвай ишчилари орасидан Н. Уваров, С. Серов, С. Қориев, Ч. Мирзабоев, Г. Гамзатов, А. Зубаров, В. Нечелистов, Н. Шчеганов каби революционерлар етишиб чиқди. Улар қўлларига қурол олиб Совет ҳокимияти учун курашдилар.

— 1917 йил ноябрь ойи менинг хотирамда бир умр сақланиб қолган, — деб ҳикоя қилади 1915 йилда Ўзбекистон орасида биринчи бўлиб трамвай бошқарган пенсионер Собир Қориев.— Вокзалда эндигина сменага келган эдим. Махфий ташкилотимизнинг раиси Уваров йўл ҳаракатларини тўхтатиб, трамвайларни паркка олиб киришга буйруқ берди. 45 минут ичида ҳамма трамвайлар паркка кирди. Биз қўлга қурол олиб вокзалга қараб юрдик. Ҳали ҳам эсимда. «Мансим» пулемёти билан юнкерларни кўприк остида роса қийратган эдик. Шунда революционер Уваровдан жудо бўлдик.

1918 йилда Тошкент трамвайи национализация қилинди. Тошкент трамвайининг буржуа хўжайинлари ва тескари унсурлар томонидан харобага келтирилган хўжалиги 1922 йилдан тиклана бошланди. Янги трамвай йўллари қуриш ишлари қизитилди.

Трамвай йўлларининг узунлиги 1923 йилда 39 километрга етди, 60 та трамвай вагони пойтахт аҳолисига хизмат қилиб, 11 миллион 607 минг йўловчи ташилди.

1926 йилда Ленинграддаги «Қизил путиловец» заводидан 22 та янги вагон олинди, 4 йилдан кейин эса бу вагонлар 87 тага етди, пассажирлар ташиш сони 62 миллион 800 мингга борди.

Ўтмишда иссиқ чиммат ичида юраклари зардобга тўлган ўзбек хотин-қизлари ҳам энди трамвай ҳайдашга аҳд қилишди. Эндиликда илк бор трамвай ҳайдаган Қундуз Мусабекова, Мавжуда Муталова, тролейбус ҳайдовчи Матлуба Қодировалярни кимлар танимайди дейсиз!

Улуғ Ватан урушн йилларида Тошкент трамвайчиларининг эммасига катта вазифалар юклатилди. Улар пойтахтимизга кўчирилб келтирилган саноат корхоналарининг оғир молларини юкли вагонлар орқали белгиланган ерга элтиб турдилар. Ватан мудофаси учун зарур бўлган юкларни ташишда ҳам кунни тунга улаб хизмат қилдилар.

Трамвай депосининг коллективи урушдан кейинги йилларда ҳам кўп ишларни амалга оширди. 1947 йилдан бошлаб коллектив ишчиларн ва хизматчилари кучи билан троллейбус юргизилди. Биринчи троллейбус маршрути Вокзал — Хадра бўйлаб ҳаракат қилиб, 4 та троллейбусда 268 минг йўловчи ташилди. 10 йилдан кейин машиналарнинг сони 82 тага етди. Йўловчилар ташиш эса 65 миллиондан ошди.

Чилонзордаги янги троллейбус парки, Болгар дарасида янги трамвай депоси ва вагон ремонт қилиш заводининг ишга тушиши Тошкент аҳолисига электр транспорти хизматини янада яхшилади.

Янги излар ётқизишда трамвай-троллейбус бошқармаси қарамоғидаги ремонт-қурилиш бўлимининг хизмати катта. 17 кишидан иборат Эрмат Ҳожиаҳмедов бошлиқ азамат йўл ишчилари тунги сменаларда ҳам кундалик нормаларини ортиғи билан адо этдилар. Ҳозирги кунда трамвай йўлининг узунлиги 145 километр, йил охиригача 170 километр, аъни 1923 йилдагига нисбатан 4,5 бараварга ортади. Юриш тезлиги эса юбилей йилининг охирларига бориб трамвайларда соатига 14,48 километр, троллейбусларда 15,23 километрга етади. Бундан 27 йил аввал трамвайларнинг эксплуатация юриш тезлиги 11,1 километр эди.

Тошкент троллейбус хўжалиги ҳам пойтахт аҳолисига намунали хизмат қилиб келмоқда. 11 та троллейбус маршрутида қатнаётган 200 га яқин машиналар ҳамшаҳарларимиз хизматида бўляпти. Акбархўжа Раҳматхўжаев, Илҳом Ишонов, Равиль Ҳасанов, Енуб Сулаймонов, Борис Хомич, Антонина Егоркина, Рашид Нурмуҳамедов, Полина Ерашимова кабилар машиналарини моҳирлик билан ҳайдамоқдалар.

Юбилей йилининг ярим йиллигида Полиграф — ЦУМ оралиғида янги троллейбус симлари тортиш тугалланади. Бундан ташқари Қатор-тол — Оқтепа—Комсомол кўли оралиғида троллейбус маршрути 1 ноябрга қадар ишга тушади. Шу йилнинг ўзидагина фақат троллейбус хўжалигининг ўзи 82 миллионга яқин йўловчини манзилларига етказиб қўяди.

Яқинда Тошкент шаҳрида электр транспорти қурилишининг зарур чоралари кўриб чиқилди. Шу йилнинг охиригача 26 километр ёрга янги трамвай изларн ётқизилади, 28 километр ерга троллейбус симлари тортилади. 9 километрдан иборат тор трамвай изларн кенг изларга кўчирилади.

1968 йилда «Главташкентстрой» бунёдкорлари Високовольт кўчасида 250 та трамвай вагони ва 150 троллейбус машиналари сиғадиган, 1968 — 1969 йилда Қурилиш кўчасида 250 та трамвай вагони сиғадиган, 1969 — 1970 йилда Самарқанд дарвозада 100 та троллейбус машиналари сиғадиган деполарни қуришга бел боғлайди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш Министрлиги эса 1968 йилда Сергелида 100 та троллейбус, 1968 — 1969 йилларда «Октябрь» массивида 100 та трамвай вагони ва 100 та троллейбус машинаси сиғадиган депо қуришга киришиладн.

1968 йилда «Главташкентстрой» томонидан 500 ўринли ўқув комбинатининг қуриб берилиши маланали ҳайдовчилар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг механтсевар коллективи Октябрнинг 50 йиллиги тўйига катта тўёналар тайёрламоқда. Йил охиригача Ленинград ва Рига трамвайчилари ишлаган янги, юмшоқ ўринли вагонлардан 40 таси пойтахтимизнинг пўлат изларида юради. Забардаст коллектив 250 миллиондан ортиқ пассажирга хизмат кўрсатишга сўз берган. Ҳозир бошқармаинг қайси бир корхонасига борманг, ишчилар юбилей вахтасида туриб ишлаётганлнларини кўрасиз, Хуллас, узоқ ўтмиш тарихига эга бўлган Тошкент трамвайи, унинг ажойиб ҳайдовчилари коммунизм учун хизмат қилмоқдалар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Бу суратда пойтахтимиз Тошкентнинг ўтмиши акс этган. Мана, ўша даврдаги биринчи трамвай, қўқон арава ва от қўшилган конна.

Мана бу қудратли тезюрар трамвайлар Рига вагон заводида ишланган. Бир қанча вақтдан сўнг энг сўнгги эски трамвайлар ўрнини ҳам мана шу тезюрар трамвайлар эгаллайди.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

МИЛЛИОНЕР МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР

Сиз эрта тонгда туриб ишга кетаётганингизда ёки кундалик иш вазифангизни ўтаб, уйингизга қайтаётганингизда, шакримизнинг энг гавжум, серқатнов кўчаларида қўли-қўлига тегмай, тез ҳаракат қилиб харидорларга хизмат қилаётган киоскачиларга дуч келасиз.

Булар ҳаммамизга кўпдан бери таниш ва қадрдон бўлиб қолган меҳнатсевар, шарафли касб эгалари «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимининг кундалик матбуот тарқатувчилар оиласига мансуб кишилардир.

Ваҳоб Гиёсов. Раҳимжон Ёқубжонов Тошкентнинг Октябрь район.идаги киоскаларда ўттиз-ўттиз беш йиллардирки, шу касбда хизмат қилиб келади. Улар ҳақида қанчадан-қанча яхши гаплар айтилган, ҳатто уларни «миллионерлар» деб ҳам аташади. Бунинг боиси шуки, улар тарқатаётган кундалик газета ва журналлар ҳисоблаб кўрилса, миллион нусхадан ҳам ортиқ кетар экан.

Ойлик топшириқни ортиғи билан бажариб келаётган Ш. Маназарова, Л. Ирисназарова. Р. Исломова. Я. Юсупова Э. Бичкова, В. Ляпи, У. Саъдуллаев, Ғ. Саттопов. Х. Маҳмудовларни ҳам ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Бир қараганда осондай кўринган бу ишни ҳамма ҳам яхши бажаравермайди. Нега десангиз, бу ишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ахир эрта тонгда йўлга чиқиб. ишга ошиқаётганларга пешвоз чиқиш, киоскага келган минг-минглаб газеталарни қабул қилиш, жуфт чиққан газеталарни бир-биридан ажратиб тарқатиш, шунингдек оқшом газеталаридан кишиларни бахраманд қилиш осон эмас, албатта.

Киоскачиларнинг иши бу билан тугамайди. Қанчадан-қанча ойлик журналлар. турли темалардаги адабиётлар, конверт. маркалар. открткалар, плакатлар. ҳатто баъзи вақтларда қисман ўқув қуроллари, лотерея билетларини ҳам тарқатишга тўғри келади.

Шаҳарда ҳозир бундай киосклар сони 200 дан ошиб кетди. Утган йилги эълзиладан кейин яна қўшимча равишда 40 тадан ортиқ янги типдаги чиройли киосклар ишга туширилди. Айниқса Тошкентга ёрдам учун келган қурувчилар шаҳарчаларида, касалхоналарда янгидан очилган бундай киосклар.нинг хизматидан ҳамма ҳурсанд.

15, 17-шаҳар касалхоналаридаги киоскачи F. Азимова, З. Жўраева кўпинча ҳатто палаталарга кириб. касалларни кундалик янгиликлардан хабардор қилиб турибдилар. Қурувчиларга хизмат қилаётган А. Аюпова, Х. Иноятов, И. Ғозиевларнинг ишлари ҳам мақтовга лойиқдир.

Умуман, шаҳримизда чакана савдо йўли билан тарқатилаётган газеталарнинг сони ўтган йили 240 минг нусха бўлган бўлса бу йил 311 минг нусхага етди.

«Союзпечать» шаҳар бўлимининг ҳодимлари матбуот тарқатиш ишларида талайгина муваффақиятларга эришмоқдалар. Бўлим чакана савдо йўли билан 1 квартал товар обороти планини 114.1 процент, обуна планини 109.6 процент, бажарди.

Шаҳар матбуот тарқатувчилари юбилей йилида пойтахтимиз аҳолисини ҳаётимизда кун сайин юз бераётган янгиликлардан бахраманд қилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш, иштиёқи билан ишламоқдалар.

Ҳ. РИХСИЕВ,
«Союзпечать» шаҳар бўлимининг бош инструктори.

БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАР

Мактабгача тарбия педагогика билим юртида Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига давлат имтиҳонларини аъло ва яхши баҳоларга топшириш учун курслараро мусобақа кизиб кетди. Ҳозирча мусобақада 3 «Б» курсининг студентлари олдинда бормоқдалар. Бу курсда 26 киз ўқийди. Уларнинг ҳаммаси комсомол аъзоси, ярмидан кўпи эса аълочидир.

Битирувчи курс студентлари давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширишлари учун билим юртида барча шароитлар яратилган. Етокхоналарда ҳар икки кишига алоҳида хона, дам олиш пайтларида ўйнаш учун теннис хонаси ажратилган. Бир хонада радиоприёмник ва телевизор қўйилган. Ўқув кордусидан ажратилган икки аудитория ҳам имтиҳонларга тайёрланаётган студентлар билан гавжум.

Бу ерда мунтазам равишда консультациялар ўтказилянти. Ўқитувчилардан А. Гуломова, Х. Одилов, Н. Назарова ўртоқлар студентларнинг имтиҳонларга тайёргарлик кўришларида яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Бу йил билим юртини 380 киши тугатади. Булардан 60 киши бу йил болалар бокчаларида ҳамширалик бўлимини биринчи бўлиб тугаллайди. Билим юртини тугатувчилар республикамизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё, Андижон областларига ва Тошкент шаҳрига ишга юборилади.

М. МАННОПОВА,
3-курс студенти.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ПАРДОЗЛОВЧИЛАР

Пойтахтимизнинг Шота Руставели кўчасида қад кўтариб турган «Россия» меҳмонхонаси шаҳримиз кўркига-кўрк қўшяпти. Кўчадан ўтган ҳар бир киши шундай чиройли ва замонавий бинони қурган қурувчиларга таҳсинлар айтади. Володя Вовк бригадаси аъзоматлари ҳам шу бино қурилишида қатнашган, унга сайқал берган кўли гул бунёдкорлардир. Шу кунларда Володя бошлиқ қурувчилар бригадаси аъзолари «Госпиталь» бозорининг қаршисида қад кўтараётган 4 қаватли турар жой биноси қурилишида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги нишонланадиган йилда катта муваффақиятларни қўлга киритишга аҳд қилган бригада аъзолари бир жон, бир тан бўлиб, бинонинг ҳар бир хоналарини сифатли бўёқдан чикармоқдалар. Бунда Т. Ермакова, Н. Донченко, Г. Қазакова каби қалби олов ёшларнинг ҳиммати баланд бўляпти. Улар смена топшириқларини ошириб адо этмоқдалар.

— Биз бу бинони шу ойнинг охирида фойдаланишга топширишга аҳд қилганмиз, — дейди В. Вовк. Бу ваъдаянинг устидан албатта чиқамиз. Чунки, бригадалардаги ишчиларнинг шу кундаги меҳнат кўтаринкилиги зиммадаги топшириқни бажаришимиздан дарак бериб турибди...

Ҳа, «Главташкентстрой»га қарашли 24-қурилиш бошқармасининг Володя Вовк бошчилигидаги пардозлаш бўлимидагилар янги Тошкентни бунёд этишда жонбозлик кўрсатиб ишлаяпти. Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини кўплаб турар жой, маданий-маиший биноларқурилишида эътиқ қатнашиш билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Л. АЛИМОВА.
М. РАШИДОВА.

Тошкентдаги биринчи босмахона коллектнви шу босмахонанинг илгор ишчиси Муборак Ҳасановани ҳурмат билан тилга олади. Чунки бу меҳнатқаш аёл 15 йилдан буён шу корхонада узлуксиз меҳнат қилиб, ўз касбини кўпгина ёш ишчиларга ўргатди. Натижада кўпгина ёш ишчи шогирдлар қисқа муддатда малакали полиграфия мутахассисларига айландилар.

Суратда: М. Ҳасанова иш устида.

Турли касб эгалари

ЗИЁКОР

— «Фарғона тонг отгунча» романининг иккинчи китоби чиқдими?

— Йўқ — лекин манави дафтарга ўзингиз истаган яна бошқа китобларнинг номини ёзиб, фамилиянгизни қайд қилиб қўйинг. Яқинда албатта келтирамиз.

Харидор бундай илиқ муомаладан хушнуд бўлиши шубҳасиз. Китоб шинавандаларининг кўнглини овлай олган бу нуроний сиймо Абдувоҳид ота Мўминовдир. Ота шу касбда 30 йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келади. Унинг кўп йиллик ғайрат билан қилган меҳнатини партия ва ҳукуматимиз муносиб қадрлаб, бир неча марта фахрий ёрлиқ, медаль ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлади.

Яқинда отанинг 60 ёшга кирганлигини нишонлашиб, пенсияга узатмоқчи бўлишди. Ота эса ўзининг ҳали тетик эканлигини айтиб, севган касбидан кетмаслигини билдирди. Абдувоҳид ота ҳозирги кунда Чилонзордаги 17-китоб магазинида кишиларга билим нурларини тарқатяпти.

Ҳ. КАРИМОВ.

ЭСКИ ДУНЁ АХЛОҚИ

Ўтган йили Англияда Брейди деган киши шериги Майро Хиндли номли аёл билан биргаликда вахшийларча қотилликда айбланиб суд қилинди. Улар ўлдирган қишиларнинг аниқ сони маълум эмас. Фақат шу нарса аниқки, ўлдирилганларнинг кўпчилиги болалар ва ўсмирлар. Брейди ва Хиндли болта билан одатдаги бемаъни ва сабабсиз жиноятни амалга оширгантларида қўлга тушдилар. Брейди ақлдан озган эмас. У қийнаб ўлдирилганларни фото суратга олган, болалар билан аъзоп баданни титратадиган суҳбатларни, уларнинг ўлим олдидаги фарёд ва қичқиришларини магнитофон лентасига ёзиб олган «амалиётчи садист» эди.

Брейди Гитлерга сиғинар ва нацистлар адабиётини шунингдек Англиянинг ҳамма шаҳарларида эркин сотилаётган минглаб садистлик китобларини қунт билан мутолаа қиларди. Унинг шериги ҳам худди шундай «маълумот» олган.

Бу жуфт жиноятчи устидан ўтказилган судда ҳафталик «Санд телеграф» журналининг мухбири Памело Жонсон қатнашган эди. У бу ерда эшитган ва кўрганларидан шу қадар ҳайратландики, «Ёмон ҳулқ ҳақида» деб аталган китоб ёзди. Бу китоб яқинда Макмиллан нашриётида босиб чиқарилди.

Памело Жонсон бу темада биринчи марта ёзаётгани йўқ. Яқинда у радио ва телевидение орқали театр ва матбуотда секс ва ваҳшийликнинг мактлишига қарши гапирди.

Памело Жонсон шундай бир масалани кўзгадики, у «озод» дунёнинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолянти.

У ўз асарида цензура масаласига катта ўрин берган. Англияда бошлиги лорд Чемберлин бўлган бошқарма пьесаларни, кино цензурасининг коллегияси эса фильмларни қараб чиқади. Шу нарса диққатга сазоворки, гап сиёсий характердаги масалалар устида бораётганида цензура каттик қўлли бўлиб қолади. Бунга Питер Брук билан бўлиб ўтган воқеа мисолдир. Лорд Чемберлин П. Бруқдан Вьетнам ҳақида ёзилган «us» номли (бу «биз» ёки «АҚШ» деб таржима қилинади) ҳужжатли пьеса изоҳини «Америкалик масъул шахслари учун маъқулроқ қилиб ёзиш»ни сўради. Бу бирдан-бир воқеа эмас. «Жамоат аҳлоқини муҳофаза қилиш» ва «Оқилона чеклашлар» бақонаси билан пьеса ва фильмларнинг танқидий ҳамда сиёсий томонларининг анчагина қисми одат тусида кучайтирилади.

Лекин шуниси таажжубланарлики, цензура бир нарсани ўчириб ташлаётиб, ҳеч шубҳасиз ўчирилиши лозим бўлган иккинчи бир нарсаларни қолдиради. Шу сабабли бизнинг кунларимизда судларда ахлоксиз нашрлар ҳақидаги ишлар илгари ҳар қачон мамлакат тарихида бўлганидан кўра кўпроқ даражада қараб чиқилмоқда.

Садизм ҳақидаги китоблар Брейдига даҳшатли жиноятларни қилиш учун ёрдам берган. Бу китоблар мутлақо ҳеч қандай бадний қийматга эга эмас. Улар зарардан бошқа нарса келтирмайди. Лекин шунга қарамай бундай китобларни осонгина сотиб олиш мумкин. Шу сабабли кўп ёшлар бундай «асар»ларни мунтазам ўқимоқдалар. Болалар томоша қиладиган телевизион эшиттиришларнинг анчагина қисмида ҳатто катта қишиларни ҳижолатга соладиган нарсалар кўрсатилади.

«Савлатли» жамиятимизнинг садизм, йиртқичлик ҳақидаги китоблардан ва дахшат «комикс»ларидан газаблана туриб улар бизни шу бузуқликлардан фахрланишга ўргатганини «ичутиб» қўяётганликлари айниқса кўнгилсиздир. Бизнинг энг ҳурматли пропаганда воситамиз ҳамда жамоат фикрига таъсир этувчи восита бўлган радио, телевидение, матбуотимиз полицияни макташ баҳонаси билан жиноятчиларнинг саргузаштларини ва уларнинг шафқатсизликларини лаззатланиб ҳикоя қиладилар. Бу маҳсулотлар унинг авторларига катта даромадлар келтиряпти. Қачондир якшанбалик мактаблар учун диний темаларда маҳсус суратлар тайёрлаш билан шуғулланиб юрган Артур Рэнк ҳозир ўз касбини ўзгартириб, зўравонлик ҳақидаги фильмларни ишлаб чиқара бошлади.

Англия цензураси Шелли, Уайльд, Жилберт, ва Салливан, Шоу, Пиранделло асарларини турли вақтларда ман қилган эди. 1911 йилда ҳатто «Подшо Эдип», бундан 10 йил илгарирок Жон Осборнинг урушга қарши «Менинг учун ватанпарвар» деган пьесаси ман қилинди. Бундай цензуранинг кимга кераги бор? Чеклашлар бўлиши керак, албатта. Аммо цензура тақиқлашлари шахсий дид билан белгиланмаслиги лозим. Чунки бу социал масаладир.

Менинг фикримча, афсуски. Памело Жонсон «Сабр токатлилик»нинг камчилик бўлмай, балки жамиятимиз учун жиддий хавф-хатар деган хулосани чиқариш даражасига кўтарила олмаган. Қолбуки унинг китоби шундай хулосани кутган эди. Бундай сабр-токатлилик ахлоқ сохасида тартибсизликни келтириб чиқаради. Бунинг оқибатида кўпгина ёшларнинг ўз идеали йўқ. Улар учун мукаддас бўлган ҳеч нарса йўқ. Улар ҳеч нарсага ишонмайдилар.

Бирок Англиянинг ҳамма ёшлари ҳам бу касалга дучор бўлган эмас ҳали. Унинг энг яхши қисмини юксак мақсадлардан воз кечишга мажбур қилиб бўлмайди.

Ж. ОЛДРИЖ,
Лондон (АПН).

Ғарбдаги кўпгина катта шаҳарларда автомобиллар тўхташ жойи масаласи ғоят жиддийлигича қолмоқда.

Кўпчилик машина тўхташ жойлари учун пул тўланади. Тротуар ёнида автомат счётчиклар ўрнатилган бўлиб, унга вақт-вақти билан пул тўлаб турнш керак.

Суратда: контролер машина ойнасига узоқ вақт туриб қолганлиги учун штраф квитанциясини ёпиштирмоқда.

В. ШАНДРИН фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

КОМБИНАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкент тўқимачилик комбинати пойдеворининг биринчи ғиштн қўйилганига 35 йил тўлди. У шу йиллар давомида Шарқдаги энг йирик тўқимачилик саноат корхонасига айланди. Комбинат коллективи юбилей йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақада 1-тўқимачилик фабрикаси ва 2-саралаш фабрикасининг коллективи комбинат кўчма Қизил байроғини ўзларида сақлаб келмоқдалар.

Меҳнат зарбдорлари. дан тўқувчи Матлуба Эргашева, контролер Машкура Муродова тўқувчилар: Светлана Константиновна, Галина Николаевна, ип йигирувчи Лидия Сизовалар кундалик нормаларини 130-140 процентга етказиб бажармоқдалар. Улар юбилей вахтасидаги намунали меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлаётирлар.

ЗАРБДОРЛАР СЛЕТИ

Маданият саройида комбинат коммунистик меҳнат зарбдорлари ва шу номни олган бригада аъзолари, меҳнат илғорларининг «Совет ҳокимияти 50 йиллигини муносиб кутиб олайлик» деган мавзуда слёти бўлиб ўтди.

Меҳнат пешқадамларидан бир группаси Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Тўқимачилар «Главмосстрой» бинокорлари билан ҳамкорликда «Шавкатли меҳнат кечалари» дам олиш соатларини тез-тез ўтказиб турадилар.

Яқинда бўлиб ўтган шундай дам олиш кечаларидан бирига москвалик қурувчилар меҳмон бўлиб келдилар. Янги Тошкентни бунёд этаётган пойтахт бинокорлари ўз меҳнат ютуқлари ҳақида гапириб бердилар.

Ўз навбатида тўқувчилар юбилей йилини қандай нишонлаётганликларини сўзлаб бердилар.

ОТАЛИҚДАГИ СОВХОЗГА КИТОБЛАР

Тўқимачилар ўз отаолиқларига олган Янгийўлдаги «Славянка» совхозига йигим-теримда, қурилиш ишларида яқиндан ёрдам берадилар.

Яқинда комбинат комсомоллари ўз шахсий кутубхоналаридан йигилган бир мингта китобни совхоз кутубхонасига ҳадя этдилар.

ТЎҚИМАЧИЛАР ОЛИМПИАДАСИ

«Текстильщик» стадионида икки минг тўқувчи спортчилар иштирокидаги олимпиада мусобақалари бошланди.

Олимпиадада спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Унда бокс бўйича спорт мастери, механик Олег Будников, кўл тўпи бўйича юқори «А» классда катнашаётган тўқувчи қизлар командалари қатнашади.

Мусобақалар икки ой давом этади. Комбинат олимпиадаси ғолибларини Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо буюмлар мукофотлари кутади.

Э. ҚОДИРОВ.

КОМБИНАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ШАНБА ОҚШОМИДА

Пазанда

МАСЛАҲАТИ

БАҲОР САЛАТЛАРИ

РЕДИСКА САЛАТИ

Редискани яхшилаб ювгандан сўнг банди ва учини кесиб юборилади-да пўчоғи арчилмайди (анча фойдали моддалар редисканинг пўстида бўлади) кейин ошга сабзи тўғрагандек соманча усулда тўғралади, юзига пича бошпиёз ҳам тўғралсин. Ошкўкулардан эса кўк пиёз ва кашнич қирқиб қўшилади. Ҳамма масалликни бир идишга солиб қаймоқ қўшасиз ва туз сепиб аралаштирасиз. Ушбу салат дастурхонга вазаларда тортилади.

Масаллиқ: Редиска 2 боғ, яхна гўшт 150 грамм, пиёз 1 бош, кўкпиёз ва кашнич 1 боғдан олинади, қаймоқ 200 грамм, туз эса таъбга кўра солинади.

СУЗМА ҚУШИЛГАН САЛАТ

Салат ўсимлигининг баргидан олиб, ювиб юборилгач, майда қилиб қирқилади. Бош пиёздан ҳам тўғраш керак, кўк пиёз, кашнич, шивит (укроп) каби ош кўкларни ҳам майда қирқилади. Ҳамма масаллиқни тоғарачага солиб, сузма қўшилади ва туз, мурч сепиб аралаштирилади.

Салатни ликопларга солиб гўштли ва ёғли таомлар билан бирга қўшиб истеъмол қилиш учун дастурхонга тортилади. Масаллиқ: Салат барги 100 грамм, бош пиёз 2 дона, кўк пиёз 1 боғ, кашнич ва укроп бир боғдан, 200 грамм сузма, туз ва мурч эса таъбга кўра сепилади.

Қ. САМИҚОВ.

ҚИМИЗ ИЧИНГ

Умумий овқатланиш ишларини яхши йўлга қўйиш меҳнаткашларга маданий маиший хизмат кўрсатишнинг муҳим соҳасидир. Жумладан аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини таъминлашда от гўшти, қази шунингдек бия сутидан ишланган қимиз ҳам анча аҳамиятга эга.

От гўшти, от ва туянинг сути, улардан тайёрланган қимиз шу кабилар фақат тўйимлилиги билангина эмас, балки шифобахшлиги жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга. Медицинада қимизга юксак баҳо берилади. Бия сутининг таркибида 3,06 процент оқсил, 1,70 процент ёғ 6,7 процент карбон сув яъни сут шакари бор. Сигир сутига қараганда бия сутида қарийб 100 миллиграмм кўпроқ витамин борлиги аниқланган.

Қимиз тайёрлаш учун биянинг сутига сут кислотаси бактерияси ва сут дрожисидан иборат қўшилади. Натижада сут кислотаси сутдаги шакарга таъсир қилиб, спирт ҳосил қилади. Томизги солинган сут қуюқлаша бошлаганда у махсус чўмич билан қориштириб турилади. Қимиз тайёрлаш вақти ҳамда даражасига қараб бўш, ўрта ва ўткир бўлади. Бўш қимиз бир суткада етишиб, унинг таркибида 1 процент, ўрта қимиз икки суткада етишиб, унинг таркибида 1,75 процент, ўткир қимиз уч суткада тайёр бўлиб, унинг таркибида 2,5 процентгача спирт бўлади. Шунинг учун қимиз тўйимли, шифобахш ичимлик.

Қимиз халқ истеъмолидан ташқари медицинада ҳам ишлатиб келинмоқда. Ўрта Осиё шароитида ёз кунлари ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлиб, одамлар қаттиқ терлайди ва тез-тез ташна бўлиб туради. Айни ҳолда ҳадеб газ сув ёки чой ичавермасдан қимиз ҳам ичиб турилса, ташналик қониши билан бир вақтда бадандаги губор ҳам кўтарилади.

Даволаниш мақсадида қимизни кам-камдан ичиб бориш керак. Дастлабки кунлари ярим, бир литрдан нейинчалик кунига ёки кунора ярим литрдан кўпайтирилиб, кунлик истеъмол 2,5—3 литрга етказилади. Унинг таъсирини ва меъёрини врач назорат қилиб бориши керак. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон АССР да йилқичилик анча ривожланган районларда қимизни кўпайтиришга аҳамият берилса ёмон бўлмас эди. Маълумки бир мавсумда биялар 5—6 ой давомида соғилади ва ҳар биядан 700—800 литрдан сут соғиб олиш мумкин.

Шунинг учун колхоз ва совхозларда қимиз тайёрлашни кўпайтириб, шаҳарларда қимиз савдосини ташкил этиш керак. Тошкентда махсус қимиз дўконлари очиш мақсадга мувофиқ бўлиб, «Тошкент қимизи» деб ном берилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ЛИРИКА ДАФТАРИДАН

* * *

Чинданам сен, дилбарим, хуштаъб-у, хушпардозгина,
Сўзларинг ҳам созгина, суҳбатларинг ҳам созгина.
Барига шукрона, аммо, менга ҳижронинг ёмон.
Бўлди минг йиллардан олис—бир фасл—бир ёзгина.
Сен кетиб, кафтдай юракда тоғдан оғир юк бугун
Ҳам тилимда айланар оҳанги йўқ овозгина.
Сен учарсан, эҳтимол, кўкларда менсиз ҳам бироқ;
Менга хушдир, қушчалардай, ёнма-ён парвозгина.
Лоақал, эслаб мени, бир бора мактуб ёзмадинг.
Топмадингми мен учун ё бир варақ қоғозгина?
Ёрман, қайрилмадинг, қайрилмасанг ҳам розиман,
Ерсан, кўнгил сўра, ҳеч бўлмаганда озгина.

Омон МУХТОРОВ.

Қизлар бошларига тақиб гулчамбар,
Баҳор гулларига талпингани пайт —
Кўкламни гар сезсам, сезмасам-да гар,
Таниш шивир келар:
Севасанми, айт?!
Қўкни тўлдирганда қушлар карвони,
Қушлар суронига кўк тўлгани пайт —
Дилим сокин бўлсин, бўлсин армони,
Таниш шивир келар:
Севасанми. айт?!
Ел туриб, боғларни айланиб хушҳол
Сўлим кўкатларга роз айтгани пайт —
Тилим бийрон бўлсин, тилим бўлсин лол,
Таниш шивир келар:
Севасанми. айт?!
Лоладан безаниб арининг сийнаси,
Лола дудоқларга ранг бергани пайт —
Пок ё хира бўлсин кўнгил ойнаси,
Таниш шивир келар:
Севасанми, айт?!
Ёмғир зарралари сочилиб майин,
Ариқлар чулдираб куйлагани пайт —
Мен куйлай, куйламай ёки атайин,
Таниш шивир келар:
Севасанми, айт?!
Бирдан..., ловулласам бўлиб ишқибоз,
Ут бутун танамга югургани пайт —
Тин олсам... севгидан сўйласам-да роз,
Таниш шивир келар:
Севасанми, айт?!

Фарзандларимиз учун

ҚОРАХОН

Кеч куз эди. Мен ишга ниҳоят эрта борардим. Тонг унчалик ёришганича йўқ. Ондасонда йўловчи кўринади. Мактаб ёнидаги катта чинор остида бир гала чуғурчуқ гоҳ ерга тушиб, гоҳ шох-шаббага қўниб ўзларича нималарнидир чуғурлашар эди. Балки совуқ тушмасдан туриб иссиқ мамлакатларга тезроқ етиб олиш тўғрисида маслаҳат қилишаётгандир. Улар орасида патлари ҳурпайган битта чуғурчуққина ерга тушганда бир оёғини судраб, маъюс оҳангда чуғурларди. унинг товушидан мен ярим йўлда ҳалок бўламан деган маъно сезиш мумкин эди. Аммо шундай бўлса ҳам у бошқалардан кейинда қолишни истамас, лапанглаб шериклари кетидан югурар, бешолти қадам босгач. чарчаб кўкрагини ерга бериб дам оларди.

Бу ҳолда тирик қолиши қийин. Узоқ сафарга бардош бера олмаслиги аниқ.

Мен дўстлигимиз ҳурмати унга ёрдам бермоқчи бўлдим. У қўлимдаги донни еб бўлгач, аста ушлаб қўйнимга солмоқчи бўлдим. Қаршилик кўрсатиб қўлимни чўқиди. тирнади, шунчалик қаттиқ чийилладики, кўчани супураётган чол менга дўқ урди:

—Биз болалардан нолийлмиз. кап-катта одам уялмайсизми чумчуқни қийнаганинг!.. Бўйингизга қаранг..

— Чумчуқ эмас, чуғурчуқ, оёғи чўлоқ экан, ўлиб қолмасин тағин.

— Ундоқ бўлса майли. Чуғурчуқларнинг кетадиган вақти яқинлашиб қолди. Бир хисобда яхши ўйлабсан. болам!..

Уйда мен унга Қорахон деб лақаб қўйдим. Оёғини электр симини улайдиган резина билан боғладим. Кичкина сим қафасга солиб айвонга илиб қўйдим. Яхши қилган эканман. Учинчи куни унинг шериклари бирортаси ҳам қолмай учиб кетипти.

Мен кундуз куни эшикка олиб чиқсам. Қорахон қафас ичида қандайдир менга номаълум бўлган куйни такрорларди. Эрталаб мени оҳиста, қувноқ чуғурлаш билан кутиб олиб, кафтимдаги донни бирма-бир чўқиганда кўзимга қараб қўярди.

Қиш шу тариқа ўтди. Баҳорга яқин нима учундир Қорахон жонсарак бўлиб қолди. У чуғурлаб кимнидир чақиравётгзнга ўхшарди. Менинг меҳрибонлик билан узатган дон-дунимга ҳам тузукроқ қарамасди. Кундуз кунлари қафасга урилиб, ундан чиқишга ҳаракат қиларди. Жонивор озодликка чиқмоқчи эди. Айниқса, ҳовлидаги олма шохига чуғурчуқлар келиб қўнган куни унинг ташвиши яна ортди. Ўз дўстим Қорахон билан жудолашиш анча оғир бўлса ҳам мен уни кузда ушлаган жойимга олиб бориб қўйиб юбордим. Қорахон қўлимдан пир этиб учиб, чинор шохига қўнди. Узоқ сайради. Менга миннатдорчилик билдираётган эди...

Машъал ҲАКИМОВ.

Ҳодиса

МИННАТДОРМИЗ

Галаба куни оқлам ва укаларим билан шаҳарни сайр этдик. Ҳайвонот боғини айланиб қайтиб келаётганимизда «Қурант» остановкасида скамейкада дам олиб ўтирдик.

Мен ичида пул ва баъзи қимматбаҳо буюмлари бўлган сумкани укамнинг қўлига бериб қўйган эдим. Шу пайтда келиб қолган троллейбусга чиқиб хаммамиз жўнаб кетдик. Укам биз дам олган скамейкада ана шу сумкани ёддан чиқариб қолдирганини Комсомол майдонига келганимизда айтди. Унинг топилишига кўзимиз етмай ҳайрон бўлиб уйга қайтдик.

Орадан бир неча кун ўтгач, менинг иш жойимга Ленин район милиция бўлимининг оператив ходими лейтенант Акбар Розиков телефон қилди ва йўқотган буюмларимни олиб кетишимни таклиф қилди. Ўрток Розиков менинг иш жойимни сумка ичидан топилган ҳужжатдан билибди.

Милиция лейтенанти ҳушёрлиги ва одамийлиги учун унга миннатдорчилик билдирамиз.

Ғ. ҲИДОЯТОВ,
республика соғлиқни сақлаш министрлиги ходими,
Н. УСМОНОВА,
«Моделлар уйи»нинг мастери.

ОББО, СЕНЕ

ИНТЕРМЕДИЯ

Серқатнов кўчалардан бири. Машиналар уёқдан бу ёққа ўтиб турибди. Ўртада милиция ходими кўча ҳаракатини кузатиб турибди. У бир юк автомашинасини тўхтатади.

Милиционер — Ҳў ука, қани бу ёққа келинг-чи!

Шофёр — Салом ака.

(Ҳўш деган маънода шофёр йигит милиционернинг юзига қараб ундан «садо» чиқишини кутиб турибди).

Милиционер — Қани, правангизни олинг-чи? Ҳаммасини кўргач, жойида дегандек шофёр йигитга ҳужжатини қайтариб берди).

— Йўлланмангизни?.. (Ундан ҳам нуқсон топилмади). — Машина кузовида нима олиб кетяпсиз?

Шофёр — Ҳа, ундами? Унда ҳалиги ҳеч нима!

Милиционер — Қани, юринг-чи! (Милиционерга жон киргандек машина томон қадам ташлади. Ундан ҳам ноумид қайтди).

Шофёр — Ака, энди... (У ҳужжатларига ишора қилиб, мени ортиқ тутиб турмасангиз деган маънода қараб турарди).

Милиционер — Яхши. Қани «ҳўҳ» денг-чи. Ҳа, яхши, ичмабсиз. (Ҳужжатларни шофёр йигитга узата туриб, тамшанди).

Милиционер — Энди ука, дурустгина йигит кўринасиз. Ахир, шахсий гигиена талабларига бажариш ҳам керак-да. Тирноғингизни тозалаб юрсангиз бўлмайдими?!

Шофёр — Хўп, ака, соғ бўлинг. (Йигит йўлига равона бўлади).

Милиционер — Оббо, сене...

Ш. МУҲИДДИНОВА.

СПОРТ ҲАНГОМАЛАРИ

БИЛЕТ МУАММОСИ

«Наполи» футбол командаси ўзига рекорд ўрнатди. Бу рекорд кутилмаган натижалар берди. Команданинг ўйинларига тушиш учун билет олиш анча мушкуллашди. Билет савдоси авжига чиқди.

— Биз билет билан савдо қилувчи сотувчиларга қаршимиз,— деб ишонт қилади клуб президенти Фиоре.— Полиция ҳам уларга қарши бирор чора кўришга ожиз.

«ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ» ҲОЛАТ

Футбол тарихида энг кам учрайдиган ҳолладан бири футболчини саккиз ой ўйинга қатнаштирмаслик и р. Бу ҳол Австрия биринчилиги учун «Адмир» ва «Зиммеринг» командалари учрашувларида юз берди.

«Зиммеринг» командаси дарвозабонини алмаштиришни лозим топди. Дарвозабон дарвозага турди-ю, шу заҳотиёқ бош судья билан гап талаша бошлади. У судья билан олишгани етмаганден, бош судья нотўғри ҳукм чиқарди деб, тўпни ҳеч кимга бермай қўксига босиб олди, Фақат полицил ёрдамидагина тўпни ундан тортиб олишга муваффақ бўлдилар. Бундан кейин нима бўлганлигини биз юқорида айтиб ўтдик.

РАССОМ ТАБАССУМИ

Энди хотиржам ўқийверсам бўлади.

— Шу дейман, ҳамжиҳат бўлиб, якшанбалик ўтказсак, ҳовлимиздаги майдончага файз қўнармиди...

— Саёҳрахон, сиз учун ўзимни сувга ташлашга тайёрман...

Якшанбаликда...

Сўзсиз сурат.

Рассом А. ХОЛИҚОВ.

Анқара Миллий операси солистлари ўз гастролларини Москвадаги Кремль театрида бошладилар. Шундан сўнг улар Ленинград, Киев, Боку ва Тошкентдаги опера театрларида «Севилья сартарошхонаси», «Риголетто» спектаклларини намойиш қилдилар. Шу миллий операнинг етук солистларидан бири Суна Корад юқоридаги икки спектаклда Розина ва Джильда партияларини маҳорат билан ижро этди. Анқара миллий операсининг солистлари Тошкентдаги гастролларидан сўнг Берлинга жўнаб кетдилар.

Суратда: Суна Корад.

Р. ЛЕВИЦКИЙ чизган расм.

ЛИМОН ТОТИМЛИ ОЗУҚА

Лимоннинг чаңқоқин босиб, иштаҳани очишини ҳамма билади. Лимонли ичимликлар меъда ширасини, кислотасини кам бўлган кишиларга шифобахш бўлиб, овқат ҳазм қилувчи безларнинг ишини оширибу, овқатни сингдиришда иштирок этади.

Лимонни ҳар-хил ичимликлар: кисель, гарнир ва бошқа маҳсулотларга қўшадилар. Болалар лимонни жуда яхши кўрадилар, чунки уларнинг меъда ширасида кислота озроқ бўлади.

Лимон таркибида лимон кислотаси ва кўп миқдорда витамин «С» бор. 100 грамм артилган лимонда 40 миллиграмм витамин «С» мавжуддир. Бу витамин бошқа мевалардагидан тезроқ. Яхши сақланса, кўп вақтга қадар витамини парчаланмайди. Шунинг учун ҳам қиш охири, баҳор бошларида мевалар ичида лимон катта талабга мазур. Бундан ташқари лимонда витамин «Р» ҳам бор. Бу витамин қон томирларининг нормал функцияларини бошқариб туради, Яна лимон таркибида витамин «В» группаси ва каротин, карбонсувлар, ўсимлик оқсили, минерал тузлардан калий, магний тузлари мавжудир, Кўриниб турибдики, лимон одам ҳаётида катта роль ўйнайди. Лекин уни ҳаддан ташқари кўп истеъмол этиш организмдаги туз алмашувини бузади, меъданинг кетма-кет ўртаниши шамоллаш процессини чақириб, иштаҳани йўқотиши мумкин. Лимон кислотасининг кўплиги бўлак ишини бузиши мумкин, лекин керакли миқдорда истеъмол қилишда ўнгай бўлиши учун лимоннинг ярмини ейишни тавсия этилади, яхшиси бу бўлакни 2-3 бўлакка ажратиш ва чойга, киселга қўшиб ичиш мумкин.

Баъзи кишилар лимонни пўстлоғи билан ейдилар, бу мақсадга мувофиқ келмайди, чунки лимон пўстлоғида бир қатор эфир мойлари борки, улар оғизнинг шиллиқ пардаларига таъсир этиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, лимонга ўч бўлган кишилар уни бевосита эзиб ёки чайнаб ейдилар. Бу ҳолга чек қўйиш лозим, акс ҳолда лимон таркибидаги кислота тишнинг эмаль қатламини емиради.

Лимон пўстлоғидан мураббо тайёрлаш мумкин.

Лимонни уй шароитида асрашда ҳолодильниклардан фойдаланса бўлади, 3-4 даражали ҳарорат ва ўртача намлик лимоннинг сақланиш даврини узайтиради.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

ГУЛГУНЧА

Боку консерваториясининг 22 ёшли студенти Полада Булбул бир йил ичида композитор ва ўз асарларини ижро этувчи бўлиб танилди. Унинг қўшиқларини Муслим Магомаев, болгариялик Эмиль Димитров, Эмиль Горовец, Лариса Мондруслар ҳам муваффақият билан ижро этмоқдалар.

Утган йили июнь ойида 12 минг радио тингловчи унинг «Сен ва мен» деган асарини энг яхши қўшиқ деб атадилар.

Парижлик қўшиқчи Франсис Лемарк Поладанинг асарларини магнитафонга ёзиб кетиб, француз радио тингловчиларига эшиттирди.

Еш композитор Озарбайжоннинг атоқли куйчиси, СССР халқ артисти Булбул Мамедовнинг ўғлидир.

СУРАТДА: Полада янги куй устида ишламоқда.

Ю. РАХИЛ фотоси.
(ТАСС).

Маслаҳатларимиз

КИР ЮВИШ

Тоза кийимда бадан яхши нафас олади. Агар кийимингиз ифлос бўлса ёки ювилавериб киришиб кетган бўлса, у ҳавони яхши ўтказмайди. Нам ўтказиш хусусияти ҳам пасаяди. Кийим кам ювилса ёки тез-тез тозалаб турилмаса у чангланиб кетади, унда ҳар хил микроорганизм л а р тўпланиб колади. Иссиқни яхши сақламайдиган бўлади. Янги пальто, костюм ва кўйлакларнинг ҳар бир квадрат сантиметрида 25—35 микроорганизм бўлади. Бу кийимлар бир ой кийилгач, микроорганизмлар сони бир неча марта кўпаяди. Баъзида кийимда юқумли касалликларни уйғотадиган микробларни ҳам бўлиши мумкин.

Жуда кўп йиллардан бери кирлар фақат совун билан ювиларди. Ҳозирги пайтда эса турли синтетик совунлар қўлланилаяпти. Хўжалик совуни билан ювилганда гулдор газламаларнинг гули айнийди. Оқ газлама эса сарғаяди. Шерсть ва шойи газламалар ялтирамайдиган бўлиб қолади. Кир қаттиқ сувда ювилганда совун газмолга сингиб, уни нам ва ҳаво ўтказмайдиган қилиб қўяди, киришади.

Синтетик совунлар билан ювилганда эса газмол ўз рангини йўқотмайди, киришмайди ҳам. Чунки бундай совунлар қаттиқ сувда ҳам тез эрийди.

Ип газлама, капон, зиғир толасидан тайёрланган газмоллар, умуман дағал матоларни ювганда «Астра», «Дон», «Ладога» каби порошокларни қўллаш маъқул. Улардан қандай фойдаланиш кераклиги порошок қутисининг устига ёзилган.

Шунингдек ип газлама матоларни 60—72 процентли хўжалик совуни билан ҳам ювиш мумкин.

Чойшаблар, ёстиқ жилдлари, кўрпа гилофи кабиларни порошок билан ювгандан сўнг яхши соат қайнатиш керак. Совун билан ювгандан кейин эса икки бор кўпроқ қайнатиш лозим бўлади.

Агар кир синтетик порошоклар солиниб машинада ювилса, уларни ҳар сафар қайнатиш шарт эмас. Беш марта тўғри ювиб олсаларни ювганда «Астра», «Дон».

БЎРИ БОЛАСИ

ХИКОЯ

Лайош ТОЛНАИ

ИТЛАРНИНГ тўсатдан хуриши помешчик қўрғонини тутиб кетди. Хизматкорлар ишларини ташлаб, қўйхонага югуришди.

— Нима гап? Яна ўғри тушдими? деб сўради қорамағиз, чўққи соқолли хўжайин. — Ўша бетайин Янош Нематми? Нимани ўғирлабди? Қани, бу ёққа олиб келинглар, уни.

Хизматкорлар қаттиқ ғала-ғовурдан таранглиб, нима қилишни билмай қолишди. Ниҳоят, бир чўпон айбдорни олиб келди.

— Шайтон урдими сени Тодер, пўстинингга нимани яшириб олдинг?

— Тақсир, бўри боласи, — чинқириб юборди бир аёл.

— Бўри? Қаяи бир кўрайликчи!

Хўжайин равондан пастга тушди. Бўлимликкина бўри боласи ёниқ кўзларини унга тикди.

— Бу қутирганми дейман. Нима қиласан уни, Тодер?

— Ийғ-ей, тақсир кўзичқадай-ку! — деди чўпон ва мой тегган катта шляпасини бошидан олди.

— Нима, буни бизга совға қилиб олиб келдингми?

— Йўқ, худди кучук боласидай-де. Оркамдан эргашди.

— Бошингга урасанми, йўқотиб юбор.

— Йўқ, ҳеч-да. Мен уни катта қилмоқчиман.

— Ундай бўлса, ишдан умидингни узавер.

Чўпон анчагача сукут сақлаб хўжайинига қараб турди, кейин тўнғиллаб гап бошлади.

— Хотиним ҳам ўлиб кетди. Икки фарзандимни қора чечак нобуд қилди. Энди менинг кимим қолди? Шу биттаю-битта овунчоқ менга.

— Эсингни едингми, ахир, у катта бўлса ўзингни ҳам, менинг ҳам қўйларимни еб қўяди-ю.

— Йўқ, емайди. Ахир, бу Йошка-ку!

Тодер бўри боласининг узун қулоқларини силади. У бунга жавобан чўпон кўкрагидан бошини кўтариб, унинг юзларини искади.

—Худойимнинг ўзи сенинг таъзирингни берсин, — деб шивирлай бошлади чўпон. Бўри боласини кўролмаган аёллар кулишар, бир-бирини итаришарди.

Хўжайин чўпонга разм солди.

— Тодер, бу ёввойи маҳлуқни бу ерда қолишига қаршиман. Бўри барибир бўридигича қолади. Ўзингни ҳам бир кун абжагингни чиқариб ташлайди. Яхшиси, терисини шилиб ол. Винцел ичига сомон тиқиб, кўйхона кўрасига кўрикчи қилиб ўрнатиб қўйсин.

— Йўқ, тақсир, буни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермайман.

— Ундай бўлса, Тодер, бизнинг орамиз очиқ.

— Майли...

— Ачинмайсанми? Шундай яхши жойни ташлаб кетасанми?

— Бўри билан қолсам мумкин эмасми, а...

— Йўқ, ҳеч мумкин эмас.

— Майли, нима ҳам қилардим, кетаман...

— Ҳозир кетмоқчимисан? Қўй, тентаклик қилма. Сен жуда софдил, яхши одамсан, Тодер, отамга ҳам сидқидилдан хизмат қилгансан, биламан. Аҳмоқона иш қилишингни хоҳламаяпман. Яна бир ўйлаб кўр.

— Ўйлаб кўрдим, тақсир. Бўри боласини ҳеч қаерга ташлаб кетолмас экаманман.

— Қатъий аҳд қилдингми?

— Ҳа.

— Чиндан ҳам ақлдан озибсан. Қандай қилиб бу бўри қўлингга тушиб қолди?

— Ўзим ҳам билмайман. Бир куни тонготарда шўрлик ўғлимнинг бешигидан топиб олдим.

—Менга қара, тағин сен бу бўрини... Барин шарақлаб кулиб юборди.

— Нима қипти, бу ҳам худонинг раъйи-де. Йошканинг юраги бўри бўлиб қайтса-қайтгандир. Ахир, у шундай телмуриб қарайдики, шундай ғаввос соладики, шундай эркаланадики...

— Ростдан ҳам эсингни ебсан. Майли, рождество[1] байрамигача қола қол. Ундан кейин ҳеч қанака юмшоқ супургилик кетмайди. Бўрининг терисини шилиб оламиз. Ҳой, Талаш хола, Тодерга ейдиган бирон нарса беринг. Майли, энди бор. Бўрини ўзи тугул, соясини ҳам ҳовлида кўрмай.

Чўпон салмоқланиб қадам ташлаб кўрғондан узоқлашди.

Бу воқеа хаёлидан кўтарилиб кетгандек, помешчик кейинчалик эътибор бермай қўйди. Лекин рождество байрами оқшомида Тодер тўлишиб анча катталашган, тўқсариш бўри билан кўрғонда пайдо бўлди.

— Қалай, Тодер! Энди бўрингни йўқотарсан?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, сенга жавоб!

— Ўзим ҳам шунга келгандим. Тоғлар орасидаги яйловда бир барингга чўпонликка ёлландим. Ҳужжатларим керак эди, тақсир.

Хўжайин истар-истамас қоғозларни узатди. Чунки у Тодердан доим мамнун эди

— Тушунасанми ўзинг, чўпон одамга бўри боқиш ақлсизлик-ку, ахир.

— Мен уни ўзимга яхши ёрдамчи қилиб оламан.

Хўжайин анчагача содиқ хизматкори ортидан қараб қолди, «Ўзим шу бўрини отиб қўяқолсамми кан», — деган фикр хаёлидан ўтди. Лекин чўпон билан бўри узоқлашиб, кўйхона ортига ўтиб кетишган эди.

Тодер шошилмасдан лапанглаб борарди. Унинг қаршисида узун қулоқларини диккайтириб, сакраб-сакраб бўри борарди. Улар қуюқ арчазор қўйнига кириб, кўринмай кетишди.

— Мана, Йошка, уйга ҳам келдик, — деди чўпон бир кулба олдида тўхтаб. — Ишкилиб юзимни ерга қаратмагин-да, сени деб ноним яримта бўлди. Ақлли жонивор эгасининг гапини тушунгандай унинг кўлларини ялади.

Чўпон декчада жўхори қайнатиш учун ўт қалади. Кейин бўтқани ковлаб, нимадир хиргойи қила бошлади. Йошка узала тушганча чирсиллаб ёнаётган оловга тикиларди. У гоҳ-гоҳида декчага қараб қўяди. Тодер Йошкага ҳалакит бермаслик учун ўрнидан турса ҳам, ўгирилса ҳам жуда эҳтиёткорлик қилади.

Тодер қайси чоғ бўлиб, ёғоч тарелкага жўхори бўтқа солди.

Чўпон яхшилаб ўрнашиб олди ва хотиржамлик билан овқат ея бошлади.

— Ма, Йошка! Нима, бир бурда гўшт бўлса маъқулмиди? Майли, қовғингни соларверма, гўшт ҳам бўлади, ол, еявер.

Улар овқатлангандан сўнг қўй қўрасини айланиб чиқишди. Ҳеч қандай кўнгилсиз ҳол рўй бермаяптими? Яна, битта-яримта очқўз бўри ўралашмаганми?

Бўри боласи содиқ итдек бутун қўрани айланиб чиқди, кейин ўзига ажратилган махсус жойга келиб ётди.

— Энди Йошка, ҳамма ёққа кўз-қулоқ бўлиб тур. Бирон шовқин кўтарилса, овоз чиқар. Мана бу матахни кўряпсанми?

У чарм нимчасининг ички чўнтагидан тўппонча чиқарди.

— Қара, бу ҳозир отилади.

Бўри боласи ўқ овозини эшитиб, яна ит каби қўра томонга югуриб бориб келди.

— Йошка, энди сен чўпонсан, мен бир пас дам олай.

Тодер қаттиқ чарчагандан ўринга чўзилди. У бир дақиқа ўтмасданоқ кўзини очди. Шу пайт атрофида айланиб, ундан кўзини узмай тикилиб турган бўри боласини кўрди-ю, хурсанликдан тўлқинланиб кетди.

Йўқ, худойим одамни ҳеч қачон яккалаб қўймас экан.

Гул-гул очилиб баҳор келди. Кейин қисқа, ойдин кечали, жазирама иссиқ кунлари билан ёз ҳам остона ҳатлади. Подада осойишталик ҳукм суради. Йошка ўз вазифасини содиқлик билан ўтарди.

Сентандраш бозори очилган пайт эди. Бир куни Тодер яхши тери, сир ва сузмаларни бозорга олиб борадиган бўлди.

— Менга қара, Йошка, бу ерда энди сен хўжайинсан. Кечаси бўрилар айланиб юрганини сезгандим. Талпаш билан зийрак бўлинглар, ўғлим. Тушуняпсанми? Мен кечга яқин қайтаман. Ҳаммаси ўз жойида бўлсин-а. Бош кийимим, камар, тамаки олиш керак. Кўряпсанми, ўғлим, рўзғорга ҳали қанча нарса керак. Хўп, майли, эҳтиёт бўлинглар.

Овчи Йошканг эркалаб силади, ўпиб қўйди. Талпаш лақабли оқ итига ҳам икки оғиз ширин сўз айтиб, йўлга тушди.

Нима ҳам бўлди-ю, Тодер хаёллади. Ўртоқларини учратиб қолди. Чақ-чақлашиб ўтирди.

Ҳамма ёқни қор қоплаган. Кўчага чиқсанг бурун-юзларингни изғирин чимчилаб кетади. Айниқса, ярим кечага борганда совук авжига чиқди. Тодер дўстлари билан хайрлашиб, бугунги савдодан қолган пулни ҳамённи ушлаб қўйди. Энди ўрнидан тураман деганда, бир ит келиб оёғига ўзини ташлади.

— Нима бу? Талпаш, сенмисан? Ҳамма ёғинг қон-ку! Ким қулоғингни узиб олди?

Чўпоннинг кўксига кимдир пичоқ санчгандек бўлди. Бирдан бўри боласи хаёлига урилди. Ўша сенга ёмонлик қилдими? Тодернинг кўзларида ўт чақнади, тўппончасини қўлига олди.

У тоғма-тоғ ошиб чопар, оппоқ қорга қизил лента тақиб Талпаш унинг олдида борарди.

Тодер чор атрофда чўзилиб ётган ўлик қўйларни кўрди-ю, вақшийларча бақириб юборди.

— Вой, худойим-эй! Ҳаммаси-ҳаммаси нобуд бўпти-ку! Беш ўн, ўн беш! Йошка, қаердасан!

Қулоқларидан тортиб, оёғигача қонга беланган бўри боласи чўпон олдига чопиб келди.

— Нима бу!—кўрсатди тутоқиб кетган Тодер, қоринлари ёриб ташланган қўйларга ишора қилиб.— Сенга қилган яхшилигим шу бўлдими? Авлод-аждодингга тортган балбахт бўри экансан!

У чўнтагидан тўппончани суғуриб олди. Бир ўқ билан Йошкани қорга ётқизди-ю, ўзи ҳалок бўлган қўйларни санашга тушди.

Пода орасида иккита улкан бўри ўлиги ётарди.

Чўпон титраб кетди. Томоғига бир нима тиқилгандек, овозини чиқара олмади. Кейин, ўкинчми, аламми, ичидан бир нима тўлкин уриб келди. Тодер ўзига содиқ бўлган бўри боласини ўлдириб, хато қилганини тушунди. Тушунган сари юраги эзилиб, кўз олди коронғулашди, пайлари бўшашиб кетди.

Чўпон Йошкага ўгирилиб қарайди.

— Эҳ, Йошка, Йошка!..

Дилгир кўзларидан икки томчи ёш оқиб тушди.

У бўри боласининг совук мурдаси устига ўзини ташлади. Йошкани кўксига босиб, ўрнидан даст кўтарилди. То кўл-оёғи увишиб, мадори қуригунча ёғочдек қотиб тик турди. Бир неча дақиқа ўтмасдан бўри боласи билан бирга қорга гурс этиб йиқилди.

Шу воқеадан уч кун ўтгач чўпонлар пода мурдалари орасидан икки катта бўрини ва бўри боласини маҳкам қучоқлаган жонсиз Тодерни топишди. Уларнинг совук мурдалари устида кўзларидан милт-милт ёш тўкиб, чўпон қўларини ялаганча оқ ит ётарди.

Нуъмон РАҲИМЖОНОВ
таржимаси.

[1] Христианларда Исо туғилган кун муносабати билан бўладиган диний байрам.

БИЛДИРИШ

22 май, соат 18.30 да Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари сиёсий маориф уйида халқаро темада лекция ўқийдиган лектор ва пропагандистлар доимий семинарининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг лектори Е. Блок шу йил 24—26 апрелда Карлови Варида бўлиб ўтган Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган конференцияси якунлари тўғрисида лекция ўқийди.

Редактор ўринбосари
Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

20 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 Рус композиторларининг камер куйлари.
18.30 Мусиқали салом.
19.20 Озарбайжон куйлари.
20.00 «ОКТЯБРЬ» радиостанциясининг программаси (ўзбекча).
20.40 Халқ куйлари.
21.25 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.
22.10 Қўшиқлар ва рақслар.
23.20 Беш йиллик илғорлари учун концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Рус адабиёти классиклари». А. С. Пушкиннинг инсценировка қилинган асарлари (ўзбекча).
19.30 Музикали календарь. Дирижёр Константин Иванов.
20.10 Эстрада куйларидан концерт.

21 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЭШИТТИРИШ. Ўқитувчилар ҳақида лавҳалар (ўзбекча).
8.25 «Эрталабки салом» деган концерт.
9.30 Енгил куйлар.
10.30 Шарқ халқлари куйлари.
11.10 «НАФОСАТ ДАВРАСИДА» радиожурнали.
12.15 «Эрталабки салом» (Москва).
13.00 Чорвадорлар учун концерт.
13.30 Радио эшитувчиларнинг талабларини ижро этамиз.
15.20 Кино янгиликлари (русча).
15.30 «Октябрь» адабий клуби. Иккинчи эшиттириш (русча).
16.30 М. Бобоев. «ОНА ҚАЛБИ». Талабларга мувофиқ радиопостановка (ўзбекча).
18.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси.
18.40 **«Қалб қўшиқлари». Радиокомпозиция. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ижоди ҳақида** (қозоқча).
19.20 Совға қўшиқлари.
20.00 «НАФОСАТ ДАВРАСИДА» радиожурнали. Такрорий эшиттириш.
21.20 **«Қишлоқ оқшоми».** Музикали-адабий эшиттириш.
22.00 **«Дунё харитаси олдида»** (ўзбекча).
22.10 Сиз ёқтирган артистлар ижросида қўшиқлар.
23.10 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Дўстларимиз эстрадаси.
19.00 «Композитор Ю. Шапорин». Музикали эшиттириш.
20.00 «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва).
21.00 Тожик классик куйлари.
21.30 Д. Шостакович. **«Унутилмас 1919 йил»** кинофильмидан куйлар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Чайковский номидаги учинчи халқаро конкурс қатнашчилари бўлган вокалистлар ва скрипкачилар концерти.

22 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 **Пўлат Мўмин шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.**
9.30 Симфоник куйлар.
9.50 **«Ўзбекистонда пиллачиликнинг ривожланиши»** деган суҳбат (тожикча).
10.10 **Халқ куйлари.**
10.30 **Область театрлари артистларининг концерти.**
11.10 **«Венгрия медицинаси меҳнаткашлар сиҳат-саломатлигини муҳофаза этишда»** деган суҳбат (ўзбекча).
12.15 **Ёшлик қўшиқлари.**
12.50 **«Октябрь самаралари».** Арманистон радиосининг эшиттириши (ўзбекча).
13.30 Ж. Оффенбах. «Перикола» операттаси темаларидаги фантазия.
16.10 **Ўзбек классик куйлари.**
17.00 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси.
18.10 Совет композиторлари операларидан парчалар.
18.30 Ўзбекистон композиторларининг камер куйлари.
19.20 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча).
20.10 Софиянинг баҳор фасли саёҳати.
20.45 **«Меҳнат — бахтиёрлик манбаи».** Ишчи мухбирлар ҳикоя киладилар (ўзбекча).
21.25 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
22.00 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.10 Яхши ишлаб, яхши дам оламиз.
22.40 **Шоирлар микрофон олдида** (СССР ёзувчилари IV съезди олдидан (ўзбекча).
23.20 **Лирика кечаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 З. Левина ва Е. Жарковский қўшиқлари.
19.00 Рақс куйлари.
19.30 «Ёшлар овози» деган адабий эшиттириш (русча).
20.10 **Мақомлардан парчалар.**
20.40 «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали (русча).
21.00 Саид Аҳмаднинг «УФҚ» романидан парча (тожикча)
21.20 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 М. Ашрафий. «ДИЛОРОМ» операсининг монтажи.

Телевидение

20 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ

19.00 «Совет Қирғизистони». Репортаж.
19.30 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.50 Телевизион янгиликлар.
20.05 «Прогресс». Телевизион журнал.
20.45 Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги олдидан. «Февралдан Октябргача». Ленинград шаҳридан олиб кўрсатилади.
21.00 Киносаёҳатчилар клуби.
22.00 Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлар санъати фестивали. М. Шатров. «Олтинчи июль» Кремль театридан халқ театри спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида телевизион янгиликлар ва «ЭКСПО-67».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Рус тилида:

18.05 Телевизион янгиликлар.
18.15 Эстрада концерти.
Ўзбек тилида:
18.55 Телевизион янгиликлар.
19.05 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. **«Олим бўлсанг — олам сенники».**
20.05 **«Бизнинг оилавий альбом».** Телефильм.
20.25 Венгрия Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги маданият ўн кунлиги. «ВЕНГРИЯНИНГ МЎЙҚАЛАМ УСТАЛАРИ».
20.50 **«Куйида».** Концерт.
21.30 «КОРОЛЬ — КОРОЛГА». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Рус тилида:

18.15 Катталар учун кўғирчоқ фильм.
18.35 **«Южний қуюнли шаҳар».** Телеочерк.
18.55 «УН ИККИНЧИ КЕЧА». Бадиий фильм.
20.20 **«Уйқу олдидан».** Аркадий Райкин иштирокида сатирик спектакль.

21 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида:

10.55 Эшиттиришлар программаси.
11.00 «Биринчи бор майдонда». Болалар учун мультфильм.
11.10 «Дарсликларингиз саҳифаларида».
11.50 «БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР». Бадиий фильм.
Ўзбек тилида:
13.05 «Тулкича», «Биз ва дельфинлар». Болалар учун кинофильмлар.
13.25 Болалар учун концерт.
14.05 **«Сув ости булутларини овловчилар».** Ҳужжатли фильм.
14.25 Ёшлар учун **«Соғлом танда — соғ ақл»** деган спорт эшиттиришлари программаси.
15.15 «Пахта усталари». Қозоқ тилида эшиттириш ва концерт.
16.55 Эшиттиришлар программаси.
17.00 Болалар учун мультфильм.
17.25 Телевизион янгиликлар.
17.40 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. **«Студентлик — олтин даврим».**
18.40 «НАШТАР» сатирик киножурнали.
19.00 Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик фестивали қатнашчиларининг якунловчи концерти Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида телевизион янгиликлар ва трансляциядан сўнг рус тилида **«СЕВГИ УЧУН ҚЎЛ КЎТАРАМАН»** деган бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 Эшиттиришлар программаси.
11.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун. Физика. Статика. Тема бўйича масалалар ечиш (ўзбек тилида).
12.05 Химия. «Атом — молекуляр таълимот». Авогадро қонуни. Тема бўйича масалалар ечиш (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 «Будильник».
13.30 Гимнастика — ҳамма учун.
14.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. «Ватан мукофоти».
14.30 Интервидение. «Музей ва выставка заллари бўйлаб».
15.00 Интервидение. Ўқувчилар учун ГДРдан эшиттириш олиб кўрсатилади.
16.00 Москвадан олиб кўрсатиладиган кундузги эшиттиришларнинг охири.
17.20 «Оила ва хонадон учун». Таллин шаҳридан олиб кўрсатилади.
18.00 Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлар санъати фестивали. Свердловск шаҳридан маданият саройи халқ балет театри ҳақида эшиттириш олиб кўрсатилади.
18.30 Музикали киоска.
18.55 Интервидение. «Дўстлик». Совет-Чехословакия ҳамкорлигидаги журнал.
19.25 «Эстрада-67».
20.20 «Пелсингатор». Телевизион сатирик тўплам.
20.45 Интервидение. Польшадан Познань камер оркестрининг концерти олиб кўрсатилади.
21.20 «Поэзия-67» альманахи.
22.00 Минск шаҳридан классик кураш бўйича Европа биринчилиги мусобақалари олиб кўрсатилади.
23.00 Телевизион янгиликлар.
23.30 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00—23.00 **ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.**

22 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)
Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 «Советский воин» тележурнали.
19.15 «Китоб оламига саёҳат».
19.45 Эшиттиришлар программаси.
Ўзбек тилида:
19.50 Телевизион янгиликлар.
20.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. **«Она шаҳрим — Тошкентим».**
20.40 Ўзбекистонда Венгрия маданияти декадаси. «ВАТАНГА ҚАЙТИШ» телевизион бадиий фильмининг 1-серияси.
21.45 Африка озодлиги куни олдидан. Телевизион театр. Питер Абрахамс. **«Чақмоқли йўллар»** (1-қисм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5 канал)
Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Ўзбекистон пионерлари IV слёти кундалиги.
18.20 Ўқув эшиттиришлари программаси. Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика.
19.40 «Буни ҳамма билиши керак». Кинофильм (ўзбек тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эфирда «Молодость». «Одесса бульварлари». Одесса шаҳридан олиб кўрсатилади.
20.45 Болгария маданияти кунлари.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.10 «Жасорат». Телевизион альманах.
21.50 «Голлар, очколар, секундлар». Спорт бир ҳафта ичида.
22.05 В. Курбатов, В. Соколовская. **«Керак бўлса жонимизни ҳам аямаймиз».** Телеспектакль премьераси. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади.
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 Интервидение. **«Яна каштанлар гуллайди».** Киев шаҳридан олиб кўрсатилади.
00.30 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

18.00—23.00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА —20/V да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ТЕАТРДА — 20/V да **Қонли сароб,** 21/V да **Қирол Лир.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—21/V да **Ватан ишқи,** 22/V да **Тошболта ошиқ.**

Кино театрларда

20 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қўлга тушмас қасоскорлар — «СПУТНИК». НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР». «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да).
Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).
Уч бақалоқ — «ВОСТОК» (кечқурун).
Ярог-аслаҳасиз рицарь — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).
Фақат кўнгилсизлик — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 7 ва 9 да).
Умидсизлик — «МОСКВА» (кеч соат 9-40 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Муросасиз ўйин—«УДАРНИК».
Шкид республикаси — «1 МАЙ».
Январдаги облава — «ФЕСТИВАЛЬ».
Севги давоси — КАФАНОВ номли.

21 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қўлга тушмас қасоскорлар — «СПУТНИК». НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР», «МОСКВА», (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да).
Чернушка — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 8 да).
Спартак— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун, «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).
Уч бақалоқ —«ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).
Ярог-аслаҳасиз рицарь — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун).
Альба Регия — «МОСКВА» (кеч соат 9-40 минутда).
Фақат кўнгилсизлик — «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз соат 5 да, кеч 7, 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8-40 минутда ва 10 яримда)

Қоидасиз ўйин — «УДАРНИК».
Шкид республикаси — «1 МАЙ».
Январдаги облава — «ФЕСТИВАЛЬ».
Қўлга тушмас қасоскорлар — «ХИВА».
Севги давоси — КАФАНОВ номли.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ ПАРКИДА

20—26 майларда

Ҳошимжон Абдуқодиров раҳбарлиги ва иштирокида **Кўкон шаҳар, Фурқат номли парк** ёш талантларининг

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

Музика, қизиқчилик, от ва ёғочоёқ ўйинлари.

Томоша кеч соат 9 да бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 майда

4—6 ва 7—10 синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи

Олтинчи концерт-лекция

Музика тингловчи ёшларнинг талабига биноан

СУҲБАТЛИ КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

VI Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати, Тўхтасин Жалилов номидаги **Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри** ва хор капелласи; Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдурахмонов;** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Баҳром Мавлонов, Тоштемир Шарипов, Сора Шукурова, Манзура Мўминова, Комилжон Баратов; Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.**

Концерт-лекция кундуз соат 12 да бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1967 йил 31 май кундуз соат 2 да. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий совет мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, конференц-зал) филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Р. Дониёров «Русча-интернационал шахс номларининг ўзбек тилига ўзлаштирилиши» деган темада.

К. Мусаев «Инглиз тилидан ўзбек тилига бадиий таржиманинг стилистик масалалари» (традицион сонлар ва фразеологизмлар) деган темада.

* * *

31 май кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг физика-математика фанлари бўйича бирлашган илмий совет мажлисида физика-математика фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун:

А. Н. Филатов «Дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламаларда ўртлатиш» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент оқшоми 4БЕТ

БИЗНИНГ АДРЕС:
Тошкент шаҳар,
Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор —Б3-02-49 дан Б3.02.58гача, редактор ўринбосарлари — Б3-29.33, Б3_29.09; масъул секретарлар —Б3.27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — Б3.29_42; санъат, қурилиш ва транспорт бўлими —коммутатор орқали 7-81; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — Б3.29.55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — Б3.29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — Б3_27-57; ахборот бўлими — Б3.65-57; эълонлар бўлими — Б3-81_42.

20 МАЙ, 1967 Й. Р. 06317. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 2910.